

**Олий таълим муассасасида жисмоний тарбия дарсларини сифатини  
оширишда инновацион педагогик технологияларни қўллашнинг  
афзалликлари**

**Абдуллаев Д.Х.**

**Жиззах ДПИ, жисмоний тарбия ва  
спорт кафедраси доцент в/б. Жиззах  
шаҳар Ўратепалик маҳалласи,  
Абдулла Мелиев кўчаси 42-уй.**

**Тел: +99891 5684546,  
+99890 5150054**

**Аннотация:** Ушбу мақолада олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия дарсларини, спорт мусобақаларини, соғломлаштириш ва спорт тадбирларини ташкил этишда ва ўтказишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишнинг ўрни ва афзалликлари, интерфаол усулнинг ўзига хослиги акс эттирилган.

**Калит сўзлар:** Инновацион педагогик технология, интерфаол усуллар: вербал, новербал, визуал, аудио, жисмоний тарбия

**Аннотация:** В данной статье отражена роль и значение использования инновационных педагогических технологий в уроки физического воспитания, спортивных соревнований и оздоровительных мероприятий и специфика интерактивного метода в высших учебных заведениях

**Ключевые слова:** Инновационная педагогическая технология, интерактивные методы: словесный, произносимый, визуальный, аудио, физическая культура

**Annotation:** This article discusses benefits of using innovative pedagogical technologies in the promotion of physical education and sporting events in higher education institutions and little specificity of the interactive method

**Key words:** Innovative pedagogical technologies, interactive method: verbal, unpronounceable, visual, audio, physical culture

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов айтганидек, “Келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ”, “Таълим жараёнининг мазмунини тубдан такомиллаштириш лозим” [1,61]. Бу устувор вазифалар мамлакатимизда таълим муассасаларининг моддий-

техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш, олий таълим муассасалари билан жаҳондаги етакчи олий таълим муассасалари ўртасида яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш борасида олиб борилган ишлар ўқитувчи педагогик қобилиятини ривожлантириш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарорда, жумладан, “Мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда олий таълим муассасаларининг иштироки ҳамда ташаббускорлигини ошириш профессор-ўқитувчиларнинг билими ва педагогик маҳорати мониторингини юритиш” вазифаси белгиланди [2,19]. Ўзбекистон Республикаси Олий таълимини 2030 йилгача ривожлантириш концепсиясида “Олий таълим тизимидаги мавжуд муаммоларидан профессор-ўқитувчиларнинг хорижий тиллар ва ахборот коммуникация технологияларини ўзлаштириш даражаси пастлиги сабабли уларнинг касбий маҳорати бугунги кун талабларидан ортда қолмоқда” эканлиги қайд этилган ҳамда “Гуманитар ва педагогик йўналишларда кадрлар тайёрлаш сифатига эътиборни кучайтириш” вазифалари белгиланган [2,3].

Юқоридаги вазифалар олий таълим муассасасидаги жисмоний тарбия профессор-ўқитувчиларга ҳам таъллуқли бўлиб амалга ошириш учун жисмоний тарбия дарсларини сифатли ташкил этиш ва ўтказиш методикасида инновацион педагогик технологиялар турларидан фойдаланиш ҳозирги замон талабидир.

Ҳозирги кунда, инновацион педагогика технологияларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- компьютерли ахборот технология;
- модул технология;
- мультимедияли технология;
- интерфаол усулли технология;
- муаммоли технология;
- дастурли ўқитиш технология;
- педагогик ўйинлар технологияси;
- бошқарув технологияси;
- муаллифлик технологияси;
- педагогик ҳамкорлик технологияси.

Ҳар бир фанни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, илғор педагогик технологияни ҳам шу фанга мослаштириш керакми ёки фанни илғор педагогик технологияга мослаштириш лозимлиги деган савол пайдо бўлади. Аммо ўқитувчилар ностандарт дарслар билан интерфаол усулларни чалкаштириш натижасида уларда икки хиллик тушунчаси пайдо бўлади ва бу уларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш муаммосини келтириб чиқади [4,67]. Олимларимиздан Х.Ибрагимов, У.Ўлдошев, Х.Бобомирзаевлар дарсларни уч турга бўлишади:

- стандарт дарслар;
- ностандарт дарслар;
- интерфаол усуллар асосидаги дарслар тавсия этилган [4,68-89].

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонунда “Ўқувчилар ва талабаларни жисмоний тарбиялашнинг замонавий шакллари ҳамда усулларини, жинси ва ёшига қараб уларга спорт кўникмаларини сингдиришнинг илмий асосланган тизимларини ишлаб чиқишни ҳамда жорий этишга кўмаклашишни ташкил этади” [5,9] вазифаси кўйилган.

Юқоридаги вазифаларни бажарилишни соҳага оид юқоридаги айрим вазифаларни бажарилишини таъминлаш мақсадида педагогика технологияларнинг турларидан интерфаол усулли технологиясини қўлланишини жисмоний тарбия ўқитувчиларига тавсия этамиз. Бу жисмоний тарбия дарсларини, спорт машғулотларини, мусобақаларини ва талабаларни бўш вақтида соғломлаштириш ҳамда спорт тадбирларни ташкил этишда, ўтказишда устувор вазифаларни бажариш имконият яратилади (1-чизма).

1-чизма.



Биз, 2017-2018 ўқув йилида илмий-тадқиқот тажрибаларимизда қўлланилган айрим интерфаол усулларига тўхталиб ўтамиз:

**Вербал** (лот.verbalrs-оғзаки сўз, мулоқот) - усули-нутқ сўзлаш, маъруза гуруҳ билан ёки яққа тартибда сухбатлашиш, савол-жавоб, тақдимот кўринишда амалга оширилади. Бу дарсни кириш қисмида, янги дарсларни мавзуларини бошлашда ёки якуний назоратларда қўллашни тавсия қиламиз, бу дарсларни фаоллаштиради. Бу усулда баскетбол дарси жараёнида ёки мусобақа вақтида ўқитувчилар, мураббийлар томонидан 1 минутлик вақт олади, унда баскетболчиларни техникаси, тактикасини ўзгартириш ва бошқа вазифалар берилади.

**Новербал** (лот.noverbalrs) – мимика, қўл, бармоқлар, калла, оёқ ва гавда ҳаракатлари орқали бирор маъно, талаб, қоида мазмунини ифодалаш, бажаришга кўрсатма бериш, рухсат бериш, бажараётган ҳар хил ҳаракатларнинг тўғри ёки нотўғри бўлиши, унинг вақти, ҳаракат сифати ёки таъкидлашга хизмат қилади. Новербал услублари асосан баскетбол, волейбол, қўл тўпи ва футбол ҳамда ҳоккей мусобақаларидаги ҳакамларда асосий восита ҳисобланади. Футбол, қўл тўпи ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақаларда новербал усулидан жамоа мураббийлари, дарвозабон, жамоа капитани ҳам фойдаланишади. Бу воситалардан бошқа спорт турларида ва мусобақа қатнашчиларида ҳамда ўқитувчилар ҳам қўллаб келишади.

**Визуал** (лот.visuatis-кўз билан ҳис этиш, кўргазмали) воситалар педагогика технология жараёнида талабалар, спортчилар кўз билан кўришлари учун мўлжалланган барча воситаларни ўз ичига олади. Буларга жадвал, чизма, тарқатма материал, фототасвир, плакат, видео, кинотасвирлар, макетлар ва бошқа воситалар киради. Миллий ҳаракатли ўйинларни ташкил этиш ва ўтказишда тарқатма материаллар яхши натижалар беради ва тарқатма материаллар воситасида талабалар мустақил машғулотлар ўтишга имконият яратилади. Бу услуб жисмоний тарбия, спорт машғулотларида асосий восита ҳисобланиб, унинг мақсади ва вазифаларини сифатли тўлиқ амалга ошириб боради.

**Аудио** (лот.audire-эшитиш)-воситалар эшитиш орқали ахборотни ўрганиш, ўзлаштириш имкониятини берувчи жисмоний машқларни тўғри бажариш ва мусобақаларни кўриб таҳлил қилиш ҳамда техника, тактика ҳолатларини ўрганиш, амалиётга қўллаш ишлари амалга оширилади. Бу услубда магнитофон тасмаси, турли дисклар, флешка, қўл телефон ва мусиқа асбоблари восита сифатида хизмат қилади. Аудио усули бадиий ва ритмик гимнастика машғулотларида ҳамда мусобақаларда асосий восита сифатида қўлланилади. Жисмоний тарбия дарсларида мусиқа садоси билан ўтказилган

машғулотлар талабаларни психологиясига таъсир этиб уларни янада руҳлантиради ва машқларни тез ўзлаштиришга имконият яратилади.

Умумий хулоса шундан иборатки, таълим муассасаларида жисмоний тарбия таълимнинг бошқа фанлар, шу жумаладан ахборот-коммуникация ва инновацион педагогика технологиялари билан интеграциянинг амалга ошириш таълим сифатига кучли таъсир кўрсатиб, уни модернизациялаш инновацион ўқитиш имкониятларини кенгайтириш имконини беради. Таълимда узвийлик ва узлуксизликни таъминлашида муҳим восита, омил вазифасини бажаради.

Юқоридаги инновацион педагогик технологияларидан интерфаол услублардан олий таълим муассасаларидаги жисмоний тарбия ўқитувчилари, жисмоний тарбия дарсларида ва спорт машғулотларида фойдаланиб ўтказилган қўйидаги натижаларга эришилади:

- жисмоний тарбия дарсларини сифати ошади;
- талабаларни жисмоний тайёргарлиги ва жисмоний ривожланиши сезиларли даражада ўсади;
- талабалар жисмоний тарбия фанидан ЖН, ОН ва ЯН талабларини бажара олишга эришилади;
- “Алпомиш ва Барчиной” тест талабларини бажара олади;
- талабаларни спорт турларига танлаш (селекциялаш) имконият яратилади;
- талабларни соғлом турмуш тарзига йўналтирилади;
- талабларни оммавий спорт турларига жалб қилишади ва қизиқиши ошади;
- талабалар оилада ва яқка тартибда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш методикасини ўрганиш кўникма, малакалари шаклланади;
- талабаларни оммавий спорт турлари бўйича мусобақаларда ва ўртоқлик учрашувларда ҳакамлик билим кўникма ва малакалари ошади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Каримов И.А. “Юксак маънавият енгилмас куч”. Тошкент. “Маънавият”. 2008 йил. 176 бет.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон Қарори.-Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами: 07/18/3775/1313-сон. 06.06.2018 йил.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8-октябрдаги “Ўзбекистон олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент Фармони.

4. Ибраимов Х.И. ва бошқалар. Педагогик Психология. –Тошкент.: Ўзбекистон ФМЖ. 2007 йил. 410 бет.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуни. Тошкент 2015.04.09. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 394-сон. 2015 йил. 28 бет. (10-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ваколатлари).